



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 131 (9.169)

1998 йил

6 ноябрь, жума

Сотувда эркин нархда

ТИББИЙ ХИЗМАТ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛСИН

Хабар қилинганидек, 3 ноябрь кuni Президент Ислон Каримов раҳбарлигида мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган давлат Дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг тиббиёт муассасалари ҳамда олий ўқув юрталарининг раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Кенгашда Республика Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова, соғлиқни сақлаш вазирлиги Ш. Каримов Дастур лойиҳаси юзасидан ахборот берди.

Мамлакатимиз раҳбари кенгашнинг очар экан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда, бошқа соҳалар каби тиббиётни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилганлигини таъкидлади. Қисқа фурсатда ўйлаб замонавий шифохоналар қуриб битказилди.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Айни пайтда республикада минглаб қишлоқ врачлик пунктлари, амбулаториялар фаолият кўрсатмоқда. Бу муассасалар замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган. Уларда малакали врачлар ва ҳамширалар меҳнат қилмоқда.

Амалга оширилган ишлар яхши, албатта. Аммо замон тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришни, аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини республикамиз ҳамда хорижий давлатларда эришилган ютуқ ва тажрибаларга таянган ҳолда, юртимизда амалга ошириладиган тибб. иқтисодий ислохотларга мос тарзда ташкил этишни талаб қилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 12 июнда қабул қилинган Фармойишида республика соғлиқни сақлаш тизимини янада ташкил қилиш, кўрсатиш сифати ва самардорлигини ошириш, мазкур соҳани бошқариш, молиялаштиришнинг тўлиқ ислох қилишнинг таъминлайдиган давлат Дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган эди.

Дастурни тайёрлаш ишчи комиссияси беш ой давомида мазкур ҳужжатни ишлаб чиқди. Бу ишда комиссия аъзоларидан ташқари, соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар, қасаба уюшмалари ходимлари ҳам фаол иштирок этди.

Бугун биз муҳокама қилаётган Дастур жуда муҳим ҳужжатдир, деди йўлбошимиз. У жакон андозаларига мос бўлиши шарт. Шу билан бирга Дастурда миллий хусусиятлар, халқимизнинг бугунги ҳаёт тарзи ҳисобга олиниши лозим. Шундагина тиббиётда амалга ошириш керак бўлган ислохотларимиз ўз самарасини беради.

Давлатимиз раҳбари лойиҳа ҳақида гапирар экан, унинг ҳар бир банди аниқ, пухта бўлиши лозимлигини таъкидлади. Бу ишда таваккалчиликка йўл қўйиб бўлмайди, деди жумладан Ислон Каримов. Айрим МДХ давлатларида шомша-шаршар билан тиббий сўғурта тизимига ўтилган эди. Бугун унинг қандай салбий оқибатларга олиб келганини эшитиб, билиб турибмиз.

Биз бугун тизимга ўтишдан олдин унинг оқибатини ўйлашимиз зарур. Токи кейин афсусланиб юрмайлик. Тиббий сўғурта жуда мураккаб жараён. Бу тизимда инсон аввал ўз ҳаётини сўғурта қилиб, пул тўлаб қўйиши керак. Шундан сўнггина унга тиббий ёрдам кўрсатилади. Биз бугун бу тизимга ўтишга тайёр эмасмиз. Сабаби, мамлакатимизда ижтимоий муҳофазага муҳтож оила-лар анчагина. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисининг ойлик маошлари шаҳардагига қараганда нисбатан кам. Агар шомша-шаршар билан яқин орада тиббий сўғурта тизимига ўтсак, аҳолининг ана шу қатлами қийналиб қолади, уларда соғлиқни сақлаш ходимларига нисбатан ҳақли норозилик туғилади. Шунинг учун бу иш юртимизда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

Мамлакатимизда ҳар бир инсон жамиятда тутган мансабига, мансабига, пулига, бойлигига қараб эмас, эҳтиёжига қараб тиббий ёрдам олиши керак, деди Ислон Каримов. Врач ўз қабулига кирган беморга қимсиз, қаерда ишлайсиз деб эмас, балки сизни қандай дард безовта қилаётти, деб мурожаат этсин. Бу тиббиёт ходимларининг ҳаёт тарзига айланиши керак.

Дастур лойиҳасида тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг касб-мехорати ва шахсий қобилиятларини муносиб тақдирлаш тўла акс этган. Бизда шу пайтга қадар тажрибали, фидойи врач ҳам, номингагина ишга келиб-қетадиган шифокор ҳам бир хил маош олар эди. Энди ундай бўлмайди. Ҳар бир тиббиёт ходими ўз меҳнатига яраша рағбатлантирилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бири соҳада рақобатни йўлга қўйишдир. Дастур лойиҳасида хусусий поликлиникалар, шифохоналарни, қишлоқ врачлик пунктларини босқичма-босқич очиш кўзда тутилган.

Бу тиббий хизмат бутунлай пуллик бўлади, дегани эмас. Биз халқимизни-

нг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари. Зеро, мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёга ўтиш таъминидан бири ҳам кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати юргизишдир. Ҳар бир шифохонада, поликлиникада 10-20 фоиз бепул хизмат кўрсатиш йўлга қўйлади. Бунга давлат кафолати берилади.

Албатта, соғлиқни сақлаш муассасаларини хусусийлаштириш ўз-ўзидан амалга ошадиган иш эмас. Бунинг учун вақт, маблағ керак. Дастур лойиҳасида хусусий тиббий муассаса эгалари икки йил давомида барча солиқлардан озод этилиши кўрсатилган. Шу фурсатда у ўзига керакли маблағни йиғиши, шифохона ёки поликлиникасини энг замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозлаб олиши лозим.

Лойиҳада тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Юртбошимиз бу борада ўз мулоҳазаларини билдириб, Дастурга қатор ўзгаришлар киритиш лозимлигини таъкидлади. Жумладан, барча тиббиёт билим юрталарини коллежларга айлантириш зарур, деди Президент. Бу коллежларни битирган ёшлар яна уч йил тиббиёт олий ўқув юрталарида билим олгандан сўнггина уларга ҳамширалик дипломи берилиши керак. Агар биз шунга эриша олам, аминманки, тиббиёт муассасалари малакали ҳамшираларга эга бўлади.

Ҳозир республикамизда еттига тиббиёт институтини фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўқитиш сифатини яхшилаш билан бирга, сонини ҳам кўпайтириш лозим. Вилотларда малакали врачларга эҳтиёж катта. Пойтахтдаги тиббиёт олий ўқув юрталарини битирган ёш йигит-қизлар эса юртимизнинг чекка туманларига бориб ишлашни унчалик хоҳлашмапти. Шунинг учун юлларда, ҳеч бўлмағанда, тиббиёт институтларининг филиалларини очиш лозим. Албатта, бунинг учун сармоя керак. Аммо тиббиётга маблағ ажратишда ҳасиллик қилиш ярамайди. Чунки шифокорларимиз келтираётган фойдани маблағ билан ўлчаб бўлмайди. Шифохона ва клиникаларимизда ҳар кун қанчадан-қанча одамлар ҳаётга қайтапти, саломатликлари-ни тиклапти. Туғруқхоналарда мамлакатимизнинг буюк келажакдаги яратадиган қанчадан-қанча гўдаклар дунёга келяпти. Улар келтирадиган фойдани нима билан ўлчаш мумкин?

Кенгашда Ислон Каримов Дастур лойиҳасига тиббиёт ходимларининг муносабати билан қизиқди.

Албатта, бу ҳужжат барча шифокорларга ҳам маъқул келаярмикин деди, жумладан юртбошимиз. Орамизда эскича кайфиятда юрган, юлчилик, таъмирилик касалига мубтало бўлган, ишлар яхши кетаяпти-ку, ислохотлар нега керак, дейдиган тиббиёт ходимлари ҳамон учраб туради. Ислохотлар уларга маъқул келмаслиги табиий. Чунки, Дастур ҳаётга таътиб этилса, улар кинир йўллар билан топётган мўмай даромадларидан ажралиб қолишдан қўрқади.

Умуман, соғлиқни сақлаш масканларидаги аҳолини жиддий ўрганиб чиқиш вақти эди. Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш бепул. Лекин шифохона ва поликлиникаларда, қишлоқ врачлик пунктларида таъмирилик, порохурлик ҳоллари учраб турибди. Беморлар дори-дармон, шприц, ҳатто тўшақни ҳам ўз ҳисобидан олишадигани тибб. иқтисод. Тезроқ бу каби иллатларнинг илдизини қирқмасак, тиббиёт масканларида тартиб ўрнатмасак, ислохотларни амалга оширишимиз қийин кечади.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Бу масала Дастур лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топган. Қишлоқ жойларида ҳомилдор аёллар ва бола-ларга бепул хизмат кўрсатилади. Шунингдек, бу борада шаҳарлик болаларга ҳам турли хил имтиёзлар белгиланган.

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон. Бунинг учун атроф-муҳитни тоза сақлаш, касалликларга қарши турли профилактика ишларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.


Қишлоқ жойларидаги спорт иншоотлари ёшларга бепул берилиши керак, деди Ислон Каримов. Умуман, ёш авлодни жисмонан соғлом тарбиялаш борасида алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Шунда биз кўзлаган максадимизга эришамиз.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизга замон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш кўп хатдан соҳани жаҳон андозалари ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ислох қилишга боғлиқдир. Мазкур Дастур бу борада муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

Кенгашда сўзга чиққанлар Дастур соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган биринчи галдаги вазифаларни белгилаб берувчи муҳим ҳужжат эканлигини таъкидладилар. Уни билдирилган барча тақлиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда тезроқ ҳаётга таътиб қилиш лозимлиги қайд этилди.

Кенгашда Бош вазир У. Султонов, Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов иштирок этди.

Беккул ЭГАМКУЛОВ
(УЗА)



«Тошйўлқурилиш» трести жамоасининг амалга ошираётган ишлари салмоқли бўлмоқда. СУРАТДА: ишбоши Муҳаммад Айтқов ва ишчи Абдураим Бўрибоев наватдаги бажариладиган ишларни режалаштиришмоқда.

Рустам Шарипов олган сурат.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ИШЧИ ГУРУҲИ ТУЗИЛАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Президентимизнинг тўй-ҳашамлари, оилавий тантаналар ва бошқа маросимларни ўтказишда дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўймасликка оид Фармони ижросига бағишланган йиғилиш бўлди.

Йиғилишда туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси раислари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, «Нуроний» жамғармаси вакиллари ва имом-хаттиблар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими-

нинг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарид Абдурахимов аёлларга тегишли бўлган барча масалаларни, яъни бола туғилгандан то мустақил ҳаётга қадам қўйиш жараёнигача бўладиган ортқча маросимларни, дабдабали тўйлари, ўтказишга барҳам бериш борасида хотин-қизларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлади.

Йиғилишни олиб борган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнazarов ўтказиладиган дабдабали ва исрофгарчиликка йўл қўйилган тўйлارнинг ўзга Тошкент шаҳрига келиб тақаллаётгани ва бу масалага жуда жиддий эътибор билан қараб доимий иш фаолиятига айлантирилиши лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталди. Шу боисдан маросим ва тўйлари ўтказишни аниқ белгилаб борадиган ишчи гуруҳи тузилиши ҳусусида келишиб олинди.

ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КУЗГИ ИККИ ОЙЛИКНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов Тошкент шаҳар ҳудудини янада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш мақсадида 1998 йилнинг 26 октябридан 26 декабрга қадар Тошкент шаҳрида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича кузги икки ойликни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ туман ҳокимликлари, шаҳар қорхона ва ташкилотлари учун кузги экин экиш бўйича топириқлар иловаларга мувофиқ тасдиқланди.

Шаҳар туманлари ҳокимликлари ҳам бир туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигига тайёргарлик қўриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ҳазонларни ўз вақтида

йиғиштириб олиб чиқиб кетиш учун қўшимча транспорт ва механизмлар жалб этилишини таъминлаш; кузги ҳазонрезги пайтида ҳазонларни ёқишни қатъиян ман этиш; мутақадди хизматлар билан келишилган ҳолда ҳар бир туманда марказлашган ҳазонларни тўплаш ва компост қилиш жойларини белгилаш юклатилди.

Манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат ҳўжали-

ги шаҳарни кўкаламзорлаштириш учун сифатли дарахт ва гул қўчатлари билан таъминлаш юклатилди.

Икки ойлик давомида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига туманлар ҳудудидagi ташкилот ва қорхоналарнинг меҳнат жамоалари, ўрта ва олий ўқув юрталарининг ўқувчи ва талабалари, жойлардаги аҳолини кенг жалб этиш вазифаси юклатилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Бечерний Ташкент» газеталари, Ўзбекистон теле-радиокомпанияси зиммасига икки ойликнинг бо-ришини кенг ёритиб бо-риш топширилди.

Муносабат

КЎЗГУСИ

ларда йиғилишлар олиб бориб, Фармоннинг асл моҳияти билан одамларни таништириш, тўймавралар назорат остига олиб борилса, саранжом-сариталликка эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундан кейин Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Абдулаттоҳ Абдуқодиоров, туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Йўлдош Хўжаев ва бошқа маҳалла фаоллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Нигора РАҲМОНОВА.

НИҲИЛАСИЯР, ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР

БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кеча АҚШ Давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, хусусан, иқтисодий соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ ҳамма томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Бахтиёр Олимжонов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ислон Бобоқонов Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида кеча республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан кенгаш бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» Олий Мажлис Кенгаши яқинда қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

• АҚШ Давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ташриф буюрди.

• Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида экспорт фаолияти билан боғлиқ масалалар қўриб чиқилди.

• Тошкентда Имом ал-Бухорий жамоатчилиги халқаро жамғармининг таъсис мажлиси ўтказилди. Унда жамғарми таъсис этаётган вазирлик ва идоралар, қўмита ва компаниялар, жамоат ташкилотлари, илмий муассасаларнинг раҳбарлари қатнашди. Таъсис мажлисида янги жамғармининг Низоми қабул қилинди. Шарқшунос олим З. Мунавваров жамғарма бошқарувининг раиси этиб сайланди.

• Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамлари, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда исрофгарчилик, дабдабозлик, исрофгарчиликнинг олдини олишга доир Фармонининг бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларининг жорий йилнинг тўққиз ойи давомида жиноятчиликка қарши кураш ва қўнунчилигини мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти натижалари, шунингдек, прокуратура амалиётига оид амир ҳужжатларни тартибга солиш ҳақидаги масалалар қўриб чиқилди.

• Бугун Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши ўз ишчи бошлади.

• Тошкентда МДХ мамлакатларининг темирйўл транспорт бўйича Кенгашининг наватдаги мажлиси бўлиб ўтди.

• Поштахтимизда «Ўзбекистонда биоорганик киёمنى ривожлантириш» долзарб муаммолари мавзусида конференция бўлиб ўтди.

• Минтақавий банк ўқув марказида «Лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш» мавзусидаги икки ҳафталик семинар ўз ишчи бошлади. Уни республика Вазирлар Маҳкамаси ва Осиё тараққиёт банки уюштирган.

• Республика матбуотида «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Тожикистон Республикасидаги вазият муносабати билан Баёноти» эълон қилинди.

• Республика Киночилар уйида Франция киноси фестивали очилди. «Ўзбекино» давлат акциядорлик компанияси Франция элчихонаси билан ҳамкорликда уюштирган бу тадбир «Замонавий француз киносининг буюк актрисалари» деб номланган.

• Хиндистон элчихонаси маданият марказида Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, рангтаъсирчи расом Акмал Жамоловнинг шахсий кўргазмаси очилди.

• Аёллар командалари ўртасида футбол бўйича Марказий Осиё чемпионати ақунланди. Унда «Андижон» аёллар командасининг футболчилари Марказий Осиё чемпиони бўлдилар.

ЖАҲОНДА

• Россия Конституциявий суди мамлакатнинг ҳозирги Президенти Борис Ельцин ушбу лавозимга 2000 йилда ўз номзодини қўйиши мумкин эмас, деб қарор қилди. Чунки, ҳозирги мударат Президент учун иккинчи мударат бўлиб, Россия Конституциясига кўра бир одамнинг президентлик лавозимини икки мартадан ортқ эгаллаши мумкин эмас.

• Бугун Киевда Литва Президенти В. Адамкуснинг Украинага расмий ташрифи доирасида икки томонлама Украина-Литва ҳўжатларини имзолаш қутилмоқда.

• Хиндистон билан Покистон бутун дунёда ядро қуролли синовларини ялли тақиллаш тўғрисидаги халқаро шартномани имзолаш олмаслигини маълум қилди.

• Кеча Минскда аҳолининг қашшоқлинишига қарши умумий миллий норозилик намойиши бўлиб ўтди.

• Латвия Президенти В. Криштопансга анги коалиция вазирлар маҳкамасини тузишни топширди.

• Лондонда Россия Федерацияси молия вазирлиги делегацияси ва Фарбгад 17 та инвестиция банкларининг вакиллари ўртасидаги музокаралар яна тикланди.

• Миср Араб Республикасида ташриф билан борган миллий сиёсат вазир Р. Абдулатипов бошчилигидаги Россия делегацияси Миср расмий доиралари билан келгуси йилнинг март ойига белгиланган Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг Миср Араб Республикасига ташрифи доирасида икки томонлама ҳамкорлик масалалари бўйича музокаралар олиб борди.

• АҚШ ва Буюк Британия агар Ироқ БМТ инспекторлар билан моҳорани давом эттирадиган бўлса унга қарши куч қўлланилиши мумкинлигини айтди.

• Кеча Тбилисида «Буюк Ипак йўли» лойиҳаси бўйича Жаҳон сарҳайлик ташкилотининг учинчи халқаро кенгаши ўз ишчи ниҳонсига етказди.

• АҚШ Конгрессига сайловларда демократлар қутилма муваффақиятга эришдилар. Улар парламентда яна 5 ўринга эга бўлдилар. Гарчанд республикачилар қўнчилигини ташкил этишда давом қилсада, сайловларнинг натижалари Президент Б. Клинтонга салмоқли қўллаб-қувватлаш бўлса, республикачиларнинг М. Левински билан боғлиқ бўлган жанжалли жараёни бошлаш бўйича режаларига зарба берди.

• Венада бўлиб ўтган Европа Иттифоқи мамлакатлари мудофаа вазирларининг норасмий учрашуви пайтида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик муаммолари муҳокама қилинди.

• Хитой ҳўкумати Тонга қироллигини расман тан олганлигини эълон қилди. Хитой Ташқи ишлар вазирлиги Тан Цзясюан ҳамда Тонга Ташқи ишлар ва мудофаа вазирлиги Улукала Лавака Ата шу ҳақдаги қўшма коммюникени имзоладилар.

• Ироқ поштахтида халқаро ярмарка очилди. Унга ўттизга яқин мамлакатлардан вакиллар ташриф буюрган. Россия Федерацияси Бош прокуратураси «террорчилик» моддаси бўйича қоршанба кунини Қизил майдон кўйида, Кремль ёнида ўз машинасини портлатиб юборган подольский пенсионер И. Орловга нисбатан жиноий иш қўзғабди. Портлашдан ўч киши шикастланди. И. Орловнинг ўзи машинадан сарқаб қолмиша эришди. Унинг олган жароҳатлари унчалик жиддий эмас. Врачлар унда рухий хасталик белгилари борлигини аниқладилар.



Инсон ҳаётида эса оларлик яхши кунлар, сермазмун дамлар қанчалик кўп бўлса, у киши ҳаётда беиз кетмайди. Ҳаётда эса ана шундай эл-юртга нафи тегиб, умр зарваракларини яхшиликлар билан тўлдирётганлар кўп. Бадриддин Нуриддиновнинг ҳам мазмунли кунлари ана бир энг қувончли, эсдан чиқмайдиган кун билан бойи. Ана шу қувончли кунда у Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроил Каримовнинг Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» деган юксак унвон соҳиби бўлди.

Ҳар кунгидек ишга эрта тонгда келган Бадриддин ўзи бошқараётган юк машинасининг ишга тахлигини яна бир бор кўздан кечирди. Эндигина йўл варақасини олиш учун нозимхона томон отланган эдики, шоғирди Юсуф Аҳмедов уни директор йўқлаётганини айтди. Бадриддин «Бирорта зарур топширик бўлса керак» деб ҳаёлидан ўтказди. Лекин уни автожамланма дарвозаси ёнида жуда кўпчилик кутиб турарди. Барчасининг юзларида табассум. Директорнинг қўлида газета бор эди. Бадриддин саломлашишга аранг улгурди холос. Директор Хайрулла Гуломов, бош муҳандис Абдусамий Юсупов, устози Илхом ака, дўстлари бирин-кетин табриклай кетишди.

Бадриддин газетани кўз югуртирар экан, юракдаги ҳаяжон кўзларига қувонч бахш этди... Бирин-си-

рин ўтган кунлар ҳаёлидан ўтаверди.

Пойтахтимиздаги 193-мактабни тугатган Бадриддин иқтисодчи бўлишни орзу қилди. Орзуга айб йўқ, Мустиқил ҳаётга қадам қўйган йиғит-қизлар қатори у ҳам Тошкент ха-


ш билан бирга хушмуомаласи, яхши дўст ва устозлиги билан бошқалардан ажралиб туради, — дейди бош муҳандис Абдусамий Юсупов. — Шунча йиллар давомида у бирон марта юборилган жойдан «рахмат» эшитмай қайтмаган. Шу

ҳолда ислохотларни чуқурлаштириш, молия кредит ташкилотлари фаолиятини кучайтириш юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Мохира КАРИМОВА.

Нишондорларимиз

ОЙДИН ЙўЛЛАР



лқ ҳўжалиги институтига ҳужжат топширди. Лекин омад қулиб боқмади. Сўнгра уни ҳарбий хизматга чаклашди. Украинада хизмат қилган Бадриддин ҳайдовчилик касбини эгаллади.

— Касбининг яхши-ёмони бўлмас экан, — дейди Бадриддин Нуриддинов, — биринчидан, машина ҳайдаш ҳар бир йиғитнинг орзуси бўлса, иккинчидан унинг сир-асорини билиб олсанг, кўнгил узолмас экансан. Хизматдан келган 1972 йилнинг март ойидан бошлаб 2512-автожамланмага ишга кирдим. Армияда ўрганганларим кўл келди, унинг устига устозим Эгамберди ака Иса-мухамедов ҳам менга яқиндан ёрдам берди. Мана 22 йилдирки, ушбу жамоада меҳнат қилмоқдаман.

— Бадриддин меҳнатсеварлиги,

сабабли бўлса керак уни жуда кўп корхона ва ташкилотлардан сўрашди. Демак, у борган жойда ишини қўйиллатиб бажаради. Шу боисдан ҳам жамоамиз ахли унинг номзодини муқофотга тасвир этди. Бахтни қаранг-ки, унинг меҳнати жуда юксак баҳо олди. Бадриддин бу номга жуда муносиб. Ахир шунча йилдан буён бехатар ва самарали ишлашнинг ўзи бўладими.

Фарзанднинг қамоли — ота-онанинг бахти ва шодлиги, албатта. Шу боис 7 фарзандни тарбиялаб, вояга етказган Бадриддиннинг ота-онаси Нажмиддин ота ҳамда Машкура опалар бугун ўғилларининг қувончидан юз чандон қувонишди. Хуш-хабарни эшитган Бадриддиннинг турмуш ўртоғи Шоҳистахон ва ўғиллари Умиджон, Маҳмуджон ва Ба-

шарифа ИЛЕСОВА.

ҲАР МИСРАДА МУҲАББАТ

Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётда ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Истеъдод» рўқнда етти нафар ёш ижодкорнинг китоби чоп этилди.

Истеъдодли шоир Алижон Сафаровнинг «Гулётган соғинч» китоби бугун мисолдор. Муаллиф юракда муҳаббатни соғиниш бор. Унинг гулётган соғинчи ҳам Ватанга, онага бўлган муҳаббатдан озиқланади.

Тупроқ кўча, Теразор кўча, Онам кўларида тунгай Соғинч номли қўлқўз бола Онам юзига тугайди. Шоир шеърларидаги бетақдор ташбеҳлари, теран фикрлари билан инсоний ўлчамларни ёриб ўтиб, бир он бўлса-да дунёга шоирона нигоҳда қарашга, уни идорқ эйтишга интилади.

Хоназимхон Шокирхон қизи Талъатий шеърлари «Сизни соғиндим номи билан чоп этилди.

«Юлдузлар билан суҳбат» тўплами қўқонлик ёш шоира Мукамал Раҳматуллаева қаламига мансуб. Шоира болалар табиятини яхши билади ва уларга хос ва мос шеърлар битади.

Тўлалиб тўрт дусона Кўз нурини тўқамиз, Ўзбекмиз, ўзбекона Кўнда дўғли тўқамиз. Мукамалхоннинг шеърлари фикр теранлиги, ҳолат ва тасвирларнинг рангдор ҳамда аниқлиги билан ажралиб туради.

Шоир Алишер Абдурахмоновнинг «Вазнис юк» деб номланган китобида унинг қатор шеърлари ва қатрлари киритилган.

Ҳаёт ранг-баранглигини шеърга қўчириш шоирдан қатта қўл ва маҳоратни, истеъдодни талаб этади. Шеър воситасида сўзлашга ташналик Алижонга хос қасдиёт, келажакка қатта умид билан боқади.

Ўғиллар манзилга эллади, Хурсинман, ҳай эллади, Кетилман, ўш қайқа? Умид пургазар яна оёққа...

Адиба Муҳаббат Тўрабоевнинг «Дунёдаги дунёлар» китобида фалсафий-руҳий кечинмаларга бой ҳикоялари жамланган.

Ёш шоир Алишер Нарзуллонинг илк китоби «Яшил дарахлар» деб номланади. Унинг шеърларида бадиий фалсафа, туйғуллар теранлиги нозик ва шоирона оҳангда қуйланади.

Бу китоб ҳам, шунингдек, ёш шоира Дилором Қўзйонқўзи Узорнинг «Кўнгил суранглари» деб аталган илк шеърый мажмуаси ҳам китобхоналарга манзур бўлади деган умиддамиз.

Назира ЖҲРАЕВА.

Одатда одам зоти бир нарсига ўрганиб қолса, одатланса ундан кутулиш анчайин мушкул бўлиб қолади. Ўтган ойда ҳам назоратчиларимиз йигирмадан кўпроқ ҳаво борасида, 84 марта сувларининг тозаллиги борасида текширишлар ўтказди. Лекин одат бўлиб қолган бўлса керак, барча ҳолатда ҳам мутасаддилар жарима тўлашга тайёр эканликларини билдиришди.

«Ўзбекистон» ҳиссдорлик жамиятида сувдан ҳўжа-сизларча фойдаланилгани учун, сув атрофи нозос ахволда бўлгани учун тижорат маркази бошлиғи О. Умаров 2200 сўм;

Қурилиш материаллари комбинатида икки босқичли БСР тозалаш қурилмаси ўрнатилгани сабабли мутасадди В. Лободенко 1100 сўм, бош муҳандис С. Ва-

ҲАМКОРЛИК ЮРТИМИЗГА ТАШРИФ

Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар, жумладан Бавария ўлкаси каммер-музика ансамблининг юртимизга бўлажак таширифи, республикамизнинг «Сўғдиёна» камер-чолғу оркестри жамоасининг бу учрашувга қўраётган тайёргарлиги масалалари муҳокама этилди.

Анжуманда элчихона биринчи котибаси Сюзане Велтер хоним журналистлар саволларига жавоб қайтаркан, жаноб Георг Йохан Глазл раҳбарлик қилаётган мазкур ансамбль жамоаси пойтахтимиздаги Успенский номли мусиқа мактабида концерт беришини маълум қилди ва бу тадбир немиш маданият қуналарининг ўзига хос давоми эканлигини таъкидлади.

«Сўғдиёна» ансамбли бадий раҳбари Феруза Абдурахимова йиғилганларга бўлажак тадбирини сермазмун ўтказиш юзасидан жамоада қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Мирзаали АҚБАРОВ.

ДАВРА СУҲБАТИ

Юнусобод тумани ҳокимлигида маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари, мактабларнинг директорлари, тумандаги институтлар ва ташкилотларнинг маънавият бўйича мутасаддилари, халқ таълими бўлими ходимлари иштирокида туман «Маънавият ва маърифат» маркази, туман ҳокимлигининг сўй-ҳаракатлари билан «Маънавият ва маърифат»нинг инсоний фазилатларни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Қизиқарли давра суҳбати шаклида ташкил этилган тадбирда республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ғайбулла Саломов «Инсоннинг маънавий қиёфаси», Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-ўқув марказининг профессори, тарих фанлари доктори Асад Нуруллаев «Юксак маънавият — келажак пойдевори», «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Садир Салимов «Маънавиятнинг инсоний фазилатларни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти» мавзуларида маърузалар билан чиқиди.

Маърузадан сўнг савол-жавоблар, мулоқотлар бўлди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ТАЪЛИМ ЛИЦЕЙ ЎРНИДА КОМПЛЕЖ

Янги турдаги ўқув юртлари орасида лицей ва коллежлар алоҳида ажралиб туради. Бундай билим масканларидан бири Тошкент Давлат аграр университетининг ҳузурида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Касб-ҳунарга йўналтирилган лицейда кўпгина иқтисодри ўғил-қизлар таҳсил қўришмоқда. Олий ўқув юрти бу лицейни коллежга айлантириш тадбирларини қўриб қўйди. Шу муносабат билан ўқувчилар учун махсус кийим ташкил қилинди.

Коллеж ихтиёрида қиш-

лоқ ҳўжалиги техника ва машиналарини таъмирлаш билан шуғулланувчи устакхона ҳам очилди. Келгусида бу ўқув даргоҳи ёш фермерлар мактаби янглиғ қўллаб ёш кадрларини ҳаётга тайёрлайди.

Ақбар АЛИЕВ.

Таълим

Ҳар бир даврнинг ўзига хос ҳожибаси бўлганидек олтин кўз даврида меҳнат биржалари томонидан ўтказилаётган ярмаркалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, биржадагиларнинг баҳор ва кизни танлашлари бежиз эмас. Тахлил натижаларига қўра бу вақтда айниқса ёшлар кўп иш ахтарар экан. Навбатдаги ярмарка Сергели туманидаги «Сервис-гузар»да бўлиб ўтди. Бу ерга ташриф буюрганларнинг кўпчилиги ота-оналар бўлсада, уларнинг фикр-ўйларига фарзандлар ташвиши эканлигининг шохиди бўлди.

Ярмарканинг ўтиш жараёнини кузатар эканмиз, иштирокчилар кўпроқ компьютердаги маълумотларга эътиборни қарати-

яшайди. Ҳамма баланд қаватли уйда. Айни вақтда бизнинг аниқлашимизча 101 та иш ахтариб юрган фуқаро бор экан. Улар яр-

диллашувлари натижасида яхши самара беради.

— Дарҳақиқат, меҳнат ярмаркасини ўтказиб туриш яхши экан, — дейди «Савдо қурувчиси» жамоа қорхонасининг ҳодимлар бўлими инспектори Ольга Машинцев. — Ўтган йили ҳам иштирок этганимизда битта керакли ҳодимни шу ернинг ўзиде ишга қабул қилиб олган эдик. Айни вақтда жамоамизга ҳайдовчи ва пайвандчилар керак. Ҳозирча биттадан ёзилишиди, ўйлаيمانки ярмарка охиригача керакли ишчиларни топиб оламиз. Бизнинг жамоада иш бир смелани, ишчиларнинг ойлик маошлари 5 минг сўмдан 10 минг сўмгача. Ишга қабул қилиш шартнома асосида.

Иштирокчилар билан суҳбатимиз анча давом этди. Биз шундай ҳулосага келдикки, меҳнат биржаси фаолларининг меҳнати зое кетмаган. Кимдир маслаҳат олган бўлса, яна бошқаси ўқишга йўлланма олган. Демак, яна бир оилада ишловчининг сони қўпайди. Зеро, бир кунлик ярмаркада бўш иш ўринлари билан 50 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса иштирок этди. 28 нафар фуқаро қайта ўқишга йўлланма, компьютер орқали 589 киши маслаҳат олишга мушарраф бўлишди.

